



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришган спортчиларни мукофотлаш тўғрисида

Жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шувратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқроқ миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Нурудинов Руслан Шамилевич — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КўРСАТГАН СПОРТЧИ»

Алимов Улуғбек Абдумажитович — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 30 октябрь

Амалий ҳулосалар ва тинчликка даъват

Президентимиз Ислам Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Президентимизнинг минтақавий ва халқаро масалаларга оид ҳар бир чиқиши жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Уларда билдирилган амалий ҳулоса ва тақлифлар нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳамкорлигини ривожлантиришга асос бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан оқибатда тинчлик билан тинчликларнинг сиёсат юритиб келаётган. Мамлакатимизда тинчлик ва оқибатда тинчликнинг таъминлашнинг самарали тизими яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида»-ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»-ги ва бошқа қатор қонунлар юртимизда барқарорлигини таъминлашнинг, фуқаролар ва миллатларaro аҳиллик, ҳамжихатликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини ўзаро ишонч, тенглик, манфаатдорлик асосига қуради. Бу тамойилларга қатъий содиқлик, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, халқаро гуманитар-маданий ҳамкорлигини ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида давлатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, нуфузи тобора ошиб бораётган.

Ислам Каримовнинг халқаро майдонда қизғин кутиб олинган ташаббусларидан бири Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ғоясидир. 2006 йил 8 сентябрда Қўрғонистоннинг Семипалатинск шаҳрида минтақамизнинг беш мамлакат томонидан шу тўғрисида шартнома имзоланди. Бу глобал ядровий хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Президентимиз ўтган асрнинг 90-йиллари бошида терроризм ва экстремизм халқаро миқёсда илдиз отиб бораётганлигини, унга қарши барча давлатлар биргаликда курашиши зарурлигини таъкидлаган.

Бугун дунёда рўй берган террористик ҳаракатларга назар солинса, бу баало офат барча китталарга ёйилганини кўриш мумкин. Терроризм ва экстремизм турли минтақаларда турли шаклларда намоён бўлмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрича, давлатларнинг террористик ва экстремистик ташиқлотларга ҳар хил ёндашуви уларнинг яшовчанлигини таъминлаётган асосий омиллардандир. Бир давлатда бундай ёвуз кучларга қарши жиддий чоралар кўрилаётган пайтда, бошқа мамлакатда улар деярли тўсиқларсиз фаолият юритмоқда.

Шу боис Президентимиз ўз нутқида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавф-

ли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига қўмақлашадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу тарихдан сабоқ чиқариб, масаланинг аҳамиятини теран англаб, вазиятнинг тўғри баҳолаб чиқарилган реал ва мантқий ҳулосалардир. Зеро, терроризм ва экстремизм чегара билмас экан, унга қарши курашиш ҳам глобал даражада олиб борилиши керак.

Ўзбекистон «Кўшнинг тинч — сен тинч», деган халқ ҳикматиға амал қилиб, аввалбошдан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳаракатида бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга қарор қилди. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш тақлифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувиға чек қўйиш зарурлигини таъкидлади. Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини тақлиф этди. 1997 йилда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини, 2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш тақлифини илгари сурди.

Бугунги кунга келиб, Афғонистондаги можарони ҳарбий куч билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини дунёнинг аксарият мамлакатлари эътироф этмоқда.

Президентимиз ўз нутқида ушбу масалага яна бир бор эътибор қаратди. Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли — бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида музокаралар ўтказиш ва муросага келиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорлигини икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатиға қатъий амал қилишини қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари ҳамдўстлик мамлакатларини ҳам шундай йўл тутишга, минтақада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлигини сақлашга ўзига хос қадам бўлди.

Зеро, иқтисодий тараққиёт учун, халқларнинг фаровон ва бахтли яшаш учун, энг аввало тинчлик, барқарорлик, хотиржамлик керак. Тинчлик бор жойда ҳар соҳада юксалиш бўлишини, эл-юрт обод, одамлар ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан яшаш мумкинлигини жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон мисолида кўриб турибмиз. Буни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Шунинг учун тинч-фаровон ҳаётнинг қадриға етиш, тинчлик ва барқарорлиқнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун курашиш ҳар биримизнинг энг асосий бурчимиздир.

Анвар СААДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

1 ноябрь — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кун

сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига



Дастур нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ижтимоий барқарорлиқнинг муҳим шартидир

Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларда ишсизлик даражаси кескин ошиб кетишига ва жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Инқироз оқибатини юмшатиш мақсадида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг сессиялари (2009-2011 йиллар)да берилган тавсиялар асосида ҳозирда кўпгина давлатларда аҳо-

ли бандлигини таъминлаш бўйича миллий дастурлар қабул қилиш масаласи муҳокама этилмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг жорий йил июнда бўлиб ўтган 102-сессиясида ёшлар бандлиги масаласи кун тартибига алоҳида киритилиб, барча мамлакатларда бу соҳада мақсадли чораларни кўриш тавсия этилди. Бугунги кунда дунёда ёшлар бандлигини миллий иж-

тимоий-иқтисодий ва сиёсий дастурларга қўйиш ҳаракатлари бошланган.

Улардан фарқи равишда бизнинг мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзққни кўзлаб амалга оширилган ишларнинг, инқирозга қарши чоралар натижасида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръ-

атлари таъминланаяпти. Инвестиция, маҳаллийлаштириш ҳамда бошқа қатор мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, молия ва банк тизимининг барқарорлиги иш ўринлари кўпайишига, ёшлар бандлигини таъминлашга мустақам замин яратиб бермоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни

ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ

●●● Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш мақсадларини кўзлаб, изчил фаолият юритиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ижтимоий-иқтисодий фаоллик ошиши натижасида ҳар бир аёл ўз истеъдоди ва қобилиятини кенг намоён этади, оила сиёсатидаги ўрни кенг кўрилади, танлаган соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшади. Шу тариқа жамиятда хотин-қизларнинг ўрни мустаҳкамланиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига мос келади.



Мақсад ва ғоялари қалбимга яқин

Мен нега ЎзХДПни тандадим?

Юртбошимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида «Агарки биз инсон тақдирини, унинг ҳаётий манфаатларини асосий ўринга қўймасак, ёшларимизни иш билан таъминламасак, келажакимиз олдида хиёнат қилган бўламиз», деб қатъий таъкидлади. Бу давлатимиз раҳбарининг биз ёшларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги, юксак ишончининг яна бир ёрқин намунаси. Бундай эътибор ҳар биримизни қувонтириш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

Бу ҳақда гап кетганда, ўз ҳаётим, орзуларим ҳақида ўйлаб қоламан. Мактабда ўқиб юрган кезларим кўпроқ ўқиш, билим олиш, жамоатчилик ишларида фаол бўлишга интилардим. Санъатга болалигимдан оқибатим ба-ланд эди. Менинг интилишларим Президентимиз томонидан жуда юксак қадрланди. 2007 йилда ҳали мактабнинг охириги синф ўқувчиси пайтимдаёқ Зулфия номидаги Давлат мукофотиға лойиқ топилдим.

Ўзбекистон Миллий университетини 2011 йилда тамомлаб, Чироқчи туман маънавият тарғибот марказида бош мутахассис бўлиб иш бошладим. 2009 йилда «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлдим. 2012 йилда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, «Энг ёш тарғиботчи» номинацияси совриндори бўлдим.

Ижтимоий-сиёсий ислохотлар-

да фаол қатнашиш учун бирор бир сиёсий партияға аъзо бўлиш масаласи олдимда турарди. Отам ҳам, онам ҳам ЎзХДП аъзоси. Онам халқ депутатлари туман Кенгаши депутати. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётган укам ҳам шу партияни танлади.

Мен ҳар бир ишни оилада ота-онам билан маслаҳатлашаман. Сиёсий партияға аъзо бўлиш ҳақида ҳам уларнинг фикрларини сўрадим. Улар «Сиёсий эътиқод масаласини ўзинг мустақил ҳал қил, чунки, бу сен учун катта ҳаётий қадам бўлади», деб жавоб берди. Мен партияларнинг дастурларини яна бир бор ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бўлишга қарор қилдим. Чунки, бу партиянинг инсонпарвар ғоялари, ёшларга эътибори юрагимға яқинлигини ҳис этдим.

Айни пайтда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти туман бўлими етакчисиман. Биз нафақат ёшлар, балки ота-оналар, таълим муассасаси ходимлари билан ҳам доимий мулоқотлар ўтказамиз. Асосий эътиборни ёшлар бандлиги-

ға қаратаймиз. Партияимиз сайловолди Дастурида бу масалаға алоҳида ўрин берилган.

Туманимизда 16 та касб-хунар коллежи бор. Уларда 18 мингта яқин ўқувчи таълим олади. Битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича туманимизда кенг қўламли ишлар олиб борилапти, кўплаб янги иш жойлари яратилмоқда. Бу борада айниқса, ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар орқали кўплаб йигит-қизлар ўз мустақил ишини бошлаш имконига эга бўлмоқда.

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловлари эса ёшларимизнинг сиёсий билими, дунёқарашини оширишга хизмат қилмоқда. Ана шундай амалий ишлари тўғрисида партияимиз ёшларнинг эътиборини тортмоқда.

Зарнигор АХМЕДОВА,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи туман маънавият тарғибот маркази раҳбари,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиб.

Ёшлар бандлигини таъминлаш

ижтимоий барқарорликнинг муҳим шартидир



Мустақиллик йилларида қабул қилинган Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунлар ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Кейинги йилларда Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури парламент даражасида қабул қилиниб, муваффақиятли ижро этиб келинмоқда. Ушбу дастур доирасида яратилаётган иш ўринларининг яримдан зиёди айнан таълим муассасаларини битиравчиларни ишга қўйиш билан таъминланади. Масалан, 2013 йилнинг 6 ойида республика бўйича жами 554,4 минг ёшга яқин ёшларнинг 14 фоиз кўп иш ўрни ташкил этилди. Унинг 309,5 мингтаси ёшга яқин ёшларнинг 55,8 фоизини ёшлар, биринчи навбатда, касб-хунар коллежларини битиравчилар банд этди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимиздаги бундай ижобий тажриба, яъни бандлик Дастурини парламент тасдиқлаши амалиёти ҳеч бир давлатда учрамайди. Юртимизда олиб борилаётган чуккур ислохотларнинг ажралмас қисми бўлган мазкур Дастур нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга қўйишнинг чора-тадбирлари улар ўқишини тугатганидан кейин эмас, балки ундан анча олдин қўйиладигани, айниқса, муҳимдир. Коллежкорхона ҳамкорлигини йўлга қўйиш, битирувчиларни ишга қўйишнинг ҳамда кўмаклашиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини тизимли ўтказиш, иш берувчиларга бериладиган имтиёзлар, ёшлар ўз ишини ташкил этишига кўмаклашиш, имтиёзли микрокредитлар ажратиш каби тадбирлар амалда ўз самарасини бераётган.

Коллеж битирувчиларини ишга қўйишнинг таъминлаш

ра қилинган (квота) иш ўринларидан ҳам кенг фойдаланилади. Жорий йил битирувчилар учун 55,3 мингта иш ўрни тегишли корхона ва ташкилотларда ҳокимларнинг қарорлари билан захира қилинган. Шу орқали битирувчилар, асосан, ўз мутахассислиги бўйича яхши ҳақ тўлаётган ва муҳим иш ўрнига қўйиладиган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга қўйишнинг таъминлаш дастури жойларда сўзсиз ижро қилиниши устидан тизимли равишда депутатлик ва парламент назоратини қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, 2011-2012 йиллар давомида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан парламент Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзо-

ни иш билан таъминлаш ва меҳнат муносабатларини тақомиллаштириш мақсадида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ва Меҳнат кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Тегишли қонунлар лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган вақтда ЎзХДП фракцияси томонидан партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, қатор таклифлар билдирилди ва ушбу таклифлар қабул қилинди. Уларга биноан Меҳнат кодексига ёшларнинг бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчиларини ишга қўйишнинг таъминлаш бўйича қўшимча қарорлар киритилди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда коллеж битирувчиларини ишга қўйишнинг таъминлаш дастури жойларда сўзсиз ижро қилиниши устидан тизимли равишда депутатлик ва парламент назоратини қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури жойларда сўзсиз ижро қилиниши устидан тизимли равишда депутатлик ва парламент назоратини қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, 2011-2012 йиллар давомида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан парламент Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзо-

Эътироф этиш керакки, Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури йилдан-йилга тақомиллашиб бораётган. Депутатларимиз билдирган таклифлар мазкур дастур парламент томонидан қўриб чиқилаётганда инobatга олинмоқда. Бу, ўз навбатида, партияимиз электорати ҳисобланган қатлам ва ёшларни иш билан таъминлашда янада кенг имкониятлар яратмоқда.

Назира МАТЯКУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Электрат фаоллигини кучайтириш

••• бунда партия тизимида ташкил этилаётган сиёсий семинарларда долзарб масалалар муҳокама этилаётгани, машғулотлар ҳаётини мисоллар асосида жонли олиб борилаётгани алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда

— Электратнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишда тарғибот-ташвиқот ишларининг изчиллиги муҳим аҳамиятга эга, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Ўзбекистон ХДПда 2006 йилдан буён сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган сиёсий семинарлар мақсади айнан шу масалаларга қаратилган.

Улар дастлаб Марказий Кенгаши миқёсида бўлиб ўтади. Муҳокама этилган мавзу юзасидан қўлланма ва тавсиялар тайёрланади. Шу асосда минтақавий ташкилотлар ҳам ўқувлар ташкил этади. Уларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, соҳа мутахассислари, сиёсатшунослар, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари жалб этилади.

Машғулотлар янада қизиқарли ва жонли ўтиши учун очик мулоқот, тренинг, давра суҳбати, мастер-класс каби интерфаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар, Фарғона, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоят кенгаши-

лари машғулотларни юқори савияда ўтказмоқда. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги устувор масалаларни муҳокама этиш сиёсий маърифатнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади, — дейди ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари Нурлан Кишанов. — 2012-2013 ўқув йилининг иккинчи яримдан бошлаб «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга Ўзбекистон ХДП сиёсий мафқурасининг асосий жиҳатлари, мамлакатни

Куруқ маърузалардан воз кечиб, очик мулоқот тарзида ўтиши туфайли сиёсий семинарларга қизиқиш ортаётган. Кўпгина бошланғич ташкилотларимизнинг ўзлари ҳам турли мавзуларда ўқувлар ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда.



модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда партияимизнинг ўрни, иштироки билан боғлиқ мавзулар муҳокама этилди.

— Ҳар бир сиёсий партияни электоратга боғлаб турадиган асосий бўлган бошланғич ташкилотлардир, — дейди ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши Маффура ва тарғибот-ташвиқот масалалари бўлими мудири Майрам Расулова. — Шу боис партия Марказий Кенгаши ҳамда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида муҳокама этилаётган масалаларни қўйи бўйинда ҳам қўриб чиқаямиз. Вилоятда партияимизнинг 100 дан ортиқ бошланғич ташкилоти бор. Сиёсий семинарлар ташкил этишда Навоий шаҳридаги «Навоий азот» ОАЖ, Қизилтепа туманидаги «Пахта тозалаш» ОАЖ, Навоий

кўприк ҳўжалик бошқармаси, Зарафшон шаҳридаги «Рудник-М» корхонаси, «Надежда» ноғиронлар клуби, Нурота туманидаги «Нурота» ширкат ҳўжалигидаги бошланғич ташкилотлар намуна бўлмоқда. Шу боис, биз уларнинг таҳрибасини оммалаштириш устида ишлаяпмиз.

— Сиёсий семинар жонли, ҳаётини бўлиши, аввало, унда кўтарилган мавзунинг долзарблиги, бугунги кун учун қанчалик муҳим аҳамият касб этишга боғлиқ, — дейди ЎзХДП Андижон вилоят Избоскан туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Қумрихон Хўжаева. — Агар мавзу мазмун-моҳияти батафсил ва содда тилда тушунириб берилса, қўйилган самарага эришилади. Биз ўтказиладиган машғулотлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш

лари кўмагида Дастур ижросига оид масала депутатлик гуруҳларида 51 марта, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларида 28 марта ҳамда шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари сессияларида 28 марта муҳокама қилинди.

2013 йилнинг биринчи ярмида эса бу масала ЎзХДП депутатлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашларнинг 20 та сессиясида қўриб чиқилган. Қатор йиллар давомида ЎзХДП фракциясининг ташаббуси билан Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича парламент эшитувлари ўтказиб келинмоқда.

Бандлик дастури ижросида ЎзХДП депутатлик корпусининг ўрни фақат назорат ўрнатилгангина иборат эмас: Янги иш ўринлари яратиш жараёнида барча депутатларимиз фаол иштирок этаётган. Мисол учун, партияимиз Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ўтказилган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар орқали янги иш ўринлари яратилмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ дастурлар — бу қотиб қолган, ўзгармас ҳужжат эмас, балки вазият ва талабдан келиб чиқиб, ўзгариш шартини бўлган очик дастурлардир. Шунинг учун жойлардаги имкониятлардан келиб чиқиб, ЎзХДП Марказий Кенгашининг ҳар томонлама кўмаги билан депутатлик гуруҳларимиз туман ва шаҳарларда инвестиция дастурларига қўшимча мўқобил лойиҳаларни киритиш борасида ҳам амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг натижасида қўшимча иш ўринлари яратишга эришилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури йилдан-йилга тақомиллашиб бораётган. Депутатларимиз билдирган таклифлар мазкур дастур парламент томонидан қўриб чиқилаётганда инobatга олинмоқда. Бу, ўз навбатида, партияимиз электорати ҳисобланган қатлам ва ёшларни иш билан таъминлашда янада кенг имкониятлар яратмоқда.

Назира МАТЯКУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни

ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ

Ҳафиза АЗИМОВА,

«Фаол аёллар» қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси.



— Бугун жамиятнинг бирор соҳаси йўқки, унда хотин-қизларнинг иштироки бўлмаса. Вилоятда қанотимиз ташаббуси билан «Бибиҳоним» ва «Аёл депутатлар» клублари ташкил этилган. Унда давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизлар иштирокини қўлайтириш, партиядошлар орасидан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар тайёрлаш,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Барно СОЛИЕВА,

«Фаол аёллар» қаноти Андижон вилоят бўлими етакчиси.

кадрлар билан ишлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида интерфаол усулларда мунтазам равишда давра суҳбати, семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имконини кенгайтиради.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, янги ҳал этиш борасида депутатлар ваколатларидан самарали фойдаланишга ҳам жиддий эътибор қаратаёмиз. Жорий йилнинг ўтган даврида туман ва шаҳар партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарида хотин-қизлардан 188 та муноajat тушди. Шундан 160 таси тегишли ташкилот ва идоралар кўмагида ижобий ҳал қилинди. Бу каби амалий ишлар натижасида партиянинг гоёларини қўллаб-қувватлайдиган хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётган.



— Вилоятимиз бўйича партияимизга аъзо хотин-қизлар бугунги кунда 10 минг нафардан ошди. Бу уларнинг ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга, сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги юксалиб бораётганини кўрсатади. Мамлакатимизда аёллар ўз иқтидорини рўйбга чиқариши, орзу-ниятига эришиши учун етарли шарт-шароит яратилган. Улардан қай даражада фойдаланиш аёлларимизга боғлиқ. Агар аёл ўзининг жамиятдаги ўрнини англаса, қобилиятини намоён эта олса, ҳаётдан мамнун бўлиб яшайди.

Бўз туманидан Тўхтаҳон Тешабоева қанотнинг энг фаол аъзоларидан. У илгари оддий сотувчи бўлиб ишлаган. Ҳозирда миллий каштачилик билан шуғулланади. Ҳаётининг йилдан-йилга тақомиллашиб бораётганини кўриб, аёлларимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги устувор масалаларни муҳокама этиш сиёсий маърифатнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади, — дейди ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари Нурлан Кишанов. — 2012-2013 ўқув йилининг иккинчи яримдан бошлаб «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга Ўзбекистон ХДП сиёсий мафқурасининг асосий жиҳатлари, мамлакатни

Дилноза ЎРИНБОВЕВА,

«Фаол аёллар» қаноти Наманган вилоят бўлими етакчиси.



таъини» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган амалий семинарларда аёлларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимини ошириш, уларни оилавий тадбиркорлик ва касачилик фаолиятига жалб этишга эътибор берилмоқда.

Биргина мисол. Чортоқ туманидан Хуршида Раҳматуллаева ўз уйида зардўзлик тикув хонасини ташкил этган. Коллежда тахсил олаётган ўқувчи қизларга дарсдан бўш вақтларида ва таътил даврида хунар ўргатади. Яқинда туманда аёллар қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилди. Кўргазма давомида Хуршида уйининг туман марказидан йироқлиги, бу шогирдларига нонукайлик туғдираётгани, яқинроқдан жой ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлишини билдирди. Ҳамкор ташкилотлар ёрдами билан унга жой ажратиб беришга эришилди.

Энг муҳими, ташаббуслари қўллаб-қувватланаётган хотин-қизларнинг фаоллиги янада ортиб, партияимиз гоёларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Басандобону ЖАЛИЛОВА
ёзиб олди.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти 2006 йилдан буён фаолият юритиб келаяпти. Партия аъзоларининг 160 минг нафардан ортиги, яъни 42 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. 2009 йилги сайловлар натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партияимиздан 8 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларига 42, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 416 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланган. Олий Мажлис Сенати аъзолари бўлган аёлларнинг 5 нафари ЎзХДП фаолларидир.

●●● Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги фармойиши асосида жорий йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан мазкур ҳудудлардаги ҳуқуқий эксперимент субъектлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳужжатлар архив фондларига топширилмоқда

Ҳуқуқий эксперимент

Самарқанд вилоят архив иши бошқармаси фаолиятдан аҳолини кенг хабардор этиб бориш ҳамда фуқароларнинг бу борадаги сўроқларига жавоб бериш мақсадида қонун лойиҳаси талаблари асосида бошқарма ахборот хизмати, интернетда эса расмий samarqand.archive.uz веб-сайти ташкил этилди. Бир неча бор матбуот анжумани ва брифинглар ўтказилди.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор этиб бориш қонун лойиҳасининг асосий талабларидан, — дейди вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи Абдуалим Маматов. — Мазкур талабдан келиб чиқиб, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда ишламоқдамиз. Расмий веб-сайтида ҳам фаолиятимиз тўғрисида барча маълумотлар ва соҳага оид янгиликлар жойлаштириб боришмоқда. Бу эса аҳолига ўзлари учун зарур маълумотларни сайт орқали олиш имконини бераётди. Одамлар бичор савол ёки масала бўйича ҳам электрон шаклда мурожаат қилиб, жавоб олишлари мумкин. Айни пайтда ҳар ойда ўртача ўн-ўн бешта ана шундай мурожаат қайд этилиб, уларга интернет орқали жавоб қайтарилмоқда.

Қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш чоғида амалий жиҳатдан унга айрим тузатиш ёки қўшимча киритиш зарурлиги ҳам аён бўлмоқда. Бу борада ҳам иш

фаолиятимиздан келиб чиқиб, тақлифлар ишлаб чиқилди ва улар экспериментни ўтказиш бўйича республика ишчи комиссияси ва вилоят ишчи гуруҳига тақдим қилинмоқда.

Қонун лойиҳасининг 9-моддасига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш усулларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун 13-моддада белгилангандек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона ва архив фондларига тақдим этишлари лозим. Яъни, вақтинчалик тартибга кўра, ҳуқуқий эксперимент субъектлари ҳар чорақда — ҳисобот давридан сўнг бир ой давомида ахборот-кутубхона ва архив фондларига ўтказиш учун зарур ахборот материалларини инвентаризация қилиб, саралаб, вилоят ахборот-кутубхона марказининг кутубхона фондига, вилоят ҳокимиятининг идоравий архивига ва вилоят давлат архивининг архив фондига топширишлари керак. Айни пайтда вилоятдаги ҳуқуқий эксперимент субъектлари жорий йилнинг учинчи чораги давомида шаклланган ахборот материалларини архив фондларига ўтказмоқда.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗАМУХБИРИ

Улкан марраларни забт этиш бизнинг қўлимиздан келади



●●● Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 380 мингдан ортиқ аъзоси бўлса, унинг 116 минг нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, изчил амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлиги, мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида қатор вазифалар белгиланган.

Ёшлар орасидан келгусида партия ташкилотларида ишлайдиган кадрлар, етакчилар, депутатликка номзодлар захирасини, партиянинг ёш фаоллари қатламини шакллантириб бориш мақсадида 2006 йилда «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилган эди.

Ўтган давр мобайнида бу қанот ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилувчи ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз ёшларга яна бир бор мурожаат этиб, «Биз ўз олдимизга қўйган келажик бўлган давлат қуришдек олжанов мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел болаган, қийинчилик ва синовлар олдида беш эгмайдиغان, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман», деб таъкидлади. Бу юксак ишонч, шубҳасиз, биз ёшлар, айниқса, ёш сиёсатчилар, ёш етак-

чилар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ энг долзарб мавзу уларнинг бандлигини таъминлашдир. Айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, доимий даромад манбаини шакллантириб олишига кўмаклашиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшларга оид масалаларни ўрганиш, таҳлил қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши самара бераётти. Партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарида ёшлардан тушадиган мурожаатларни ўрганиш-ўларга «ёчим» топиш, ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мутасадди ташкилотлар эътиборини қаратишда қанотнинг ўз ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.

«Истиқбол» ёшлар қанотининг йирик лойиҳаларидан бири «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловидир. 2008-2013 йиллар давомида танловда 49400 дан зиёд ёшлар иштирок

эти. Дастлабки йилда унда 4000 нафар иштирокчи қатнашган бўлса, 2013 йилда уларнинг сони 11 700 дан ошди. Танловда қатнашган ёшлар тақдим этган лойиҳалар амалга ошириш натижасида 587 та янги иш ўрни яратилди. Бундан кўра, ёшларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

«Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танлови якунига кўра, 5 нафар иштирокчи — Наманган вилоятидан Мўтабар Қозиева, Жиззах вилоятидан Бекзод Жўраев, Сурхондарё вилоятидан Суннатилло Бозорбоев ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Хуриман Нуржанова, Тошкентдан Умидхон Хошимов партия ташкилотларида ишлашга тавсия этилди. Умуман, ўтган йиллар давомида кўрик-танловда иштирок этган 1000 нафарга яқин сиёсий етук, ташкилотчи ёшлар бугунги кунда барча даражадаги партия ташкилотлари, уларнинг сайланма органлари тарихида фаолият юритмоқда.

Айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳлари аъзоларининг 35 нафари ҳали ўттизга қирмаган ёшлар экани партиянинг салоҳиятидан дарак берди.

Дарҳақиқат, сафимизда интилувчан ёшлар кўп. Фақат уларнинг қизиқиш ва қобилиятини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш керак. Олдимизга қўйган марраларимиз юксак, мақсадимиз катта. Бу улкан ниятларга етиш «Истиқбол» атрофида бирлашган ёш фаолларнинг қўлидан келади.

Шоҳрух АБДУРАҲМОНОВ,
ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси.

Дунё бўйлаб

Аэропорт яқинида яшаш



саломатлик учун хавфли

АҚШ ва Буюк Британия олимлари ўтказган тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, аэропорт яқинида яшаш юрак-қон-томир касалликлари хавфини кучайтираркан. Бойси аэропортнинг доимий шовқини кишида руҳий физиологик юқламаларни ошириб юборади. Уларда уйку меъёрининг бузилиши, асабийлик ва қон босимининг ортиши кўп кузатилади. Жамоатчилик соғлиғини сақлаш Гарвард мактаби мутахассислари ҳамда Бостон университети олимлари мамлакатнинг 89 та аэропорти яқинида истиқомат қилаётган 6 миллиондан ортиқ одам маълумотларини таҳлил қилдилар ва шуни аниқладиларки, ҳар 10 децибел шовқин юрак-қон-томир касалликларида чалиниши 3,5 фоизга ошираркан. Айнан шундай касаллик билан сиғоҳоналарга ётқизилган одамлар 55 децибел шовқин остида яшаганлар.

Иккинчи гуруҳ олимлар эса Лондоннинг Хитроу аэропорти яқинида яшовчи 3,6 миллионга яқин одамнинг саломатлиги билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилди. Бу атрофдаги шовқин 63 децибелга тенг бўлиб, мазкур ҳудудда яшаётганларда инсультга чалиниш 25 фоиз, юрак-ишემик касалликларида чалиниш 20 фоиз, бошқа юрак-қон-томир касалликларида чалиниш эса 15 фоиз ортиқ экан.

Олимлар ўз хулосаларини «British Medical Journal» нашрида эълон қилди.

Аёлларга нисбатан



эркаклар кўп пул топади

АҚШнинг Жанубий Калифорния университети тадқиқотчилари Руйхатга олиш бўйича федерал бюро ва Меҳнат департаменти томонидан йиғилган статистик маълумотларни таҳлил қилиб, шу нарсани аниқладиларки, даромад олиш борасида мамлакатдаги эркак ва аёл шифокорлар орасида фарқ қатталашиб бормоқда.

Масалан, «JAMA Internal Medicine» журналыда чоп этилган маълумотларга қараганда, 2006 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда аёл шифокорлар йилга 165 минг 278 доллардан даромад қилган. Эркакларда эса бу кўрсаткич анча юқори: йилга 221 минг 297 доллар.

Мамлакатда аёллар маоши оширилди. Аммо 20 йил аввалги эркаклар олган маошга энди тенглашди.

Реклама

Каракалпакский филиал ООО «Агроноат мулк маркази» сообщает:

2 декабря 2013 года в 12.00 часов по адресу: город Нукус, ул. А.Темур, дом 122 проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

Автотранспортные средства:
1. «Дамас», принадлежащий резиденции Сов. Мин. Республики Каракалпакстан, 1998 года выпуска, гос.номер 95/450 ЕАА. Начальная цена — 11 886 700 сум.

2. «Газ-5312-01», принадлежащий банкрот АО «ХАТ-15», 1989 года выпуска, гос.номер 82-17 КРМ. Начальная цена — 327 000 сум.

Прием заявок от желающих в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агроноат мулк маркази» в АК «Турон» банк.

Информацию об объектах выставляемых на торги можно получить по адресу: г.Нукус, ул. А.Темур, дом 122. Телефон: (8-361) 222-55-84.

Уд.№006388

ЎЗХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

Партияни ҳаракатга келтирувчи куч



Биргина жорий йилнинг ўзида депутатлар айна бошланғич ташкилот томонидан кўтарилган ҳамда муҳокама қилинган 4 та масалани ҳалқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари, 2 та масалани эса сессиялар муҳокамасига олиб кирди.

раҳбарлик қилади.

Партия ташкилотиде Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан тавсия этилган мавзулар бўйича сиёсий ўқувлар ҳар ойда икки марта мунтазам равишда ўтказиб борилади. Керакли методик тавсиялар эса вилоят, туман партия кенгаши томонидан етказиб берилади.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи аъзоларининг 6 нафари айна шу бошланғич партия ташкилотиде рўйхатда туради. Депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурахмон Мамажонов, депутатлар Ваҳобжон Аҳмадалиев, Раҳмонали Аҳмадалиев, Муҳаббатхон Мирзаалиева, Манзураҳон Собирова, Акмалжон Шерматовлар ҳамкорликда биргина жорий йилнинг ўзида айна бошланғич ташкилот томонидан кўтарилган ҳамда муҳокама қилинган 4 та масалани халқ депутатлари туман кенгаши доимий комиссиялари, 2 та масалани эса сессиялар муҳокамасига олиб кириб,

тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Ўзбекистон ХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш учун эътибор бериладиган асосий йўналишлар ва бу борадаги аниқ вазифалар белгилаб берилган. Партия электорати манфаати йўлидаги муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш шулар жумласидандир. Бу борада ҳам Тошлоқ туманидаги БПТ томонидан ибратли ишлар олиб боришмоқда. Чунончи, ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари бошланғич партия ташкилотиде ҳисобга олиниб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари намунали йўлга қўйилган. Жорий йилда шундай электорат вакилларига 3 млн. 890 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами уюштирилди.

Шу ўринда Фаргона шаҳрида жойлашган «Фаргона-Азот» ОАЖ-да фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилоти ҳам қўллаб ташаббусларни амалга ошираётганини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, айна бошланғич ташкилот ташаббуси билан электорат вакилларидан уч нафарига соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

— Корхона ишчи-хизматчиларининг 595 нафари ЎЗХДП аъзоларики, — дейди БПТ раиси Хурматжон Юлдошев. — Уларнинг 60 фоиздан ортиги ёшлар. Шунинг учун БПТ «Фаргонаазот» ОАЖ раҳбарияти олдига 37 та ёш оилага уй-жой қуриш учун 15 йил муддатга иш ҳақидан тўлаш шарти билан ички кредит маблағи ажратиш масаласини қўйганди. Раҳбарият ташаббусимизни қўллаб-қувватлади. Ана шу биргина ташаббуснинг ўзи ишчи-хизматчилар ўртасида бошланғич ташкилотга ҳурмат ва ишончини оширди.

Олтириқ туманидаги республика уруш ва меҳнат фахрийлари сўхаттоҳи бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳақида ҳам ижобий фикрларини айтиш мумкин.

Сўхаттоҳ бош шифокори, туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Шохсанамхон Мамарицаева раҳбарлик қилаётган бу жамоада 121 нафар ХДП аъзоси меҳнат қилади.

— Биз партия аъзоларининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш устида изчил иш олиб бораёламиз, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Қаноатхон Аҳмедова. — Сиёсий ўқув машғулотимизда мутахассис, тарғиботчилар билан бирга ҳаётий тажрибага эга фахрийлар ҳам иштирок этади. «ЎЗХДП электорати манфаатларини ўрганишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш», «Ўзбекистон ХДП дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида уларни кучайтириш» каби мавзулардаги машғулотлар, айниқса, жонли ва қизиқарли ўтди.

Фаргона вилоятидаги ЎЗХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятдан бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Энг муҳими, БПТ электорат орасига чўқур кириб бориб, уларни ташвишга солаётган масалаларни ичидан ўрганишмоқда. Уларнинг тақлифлари асосида партия депутатлик гуруҳлари долзарб ижтимоий масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига олиб чиқмоқда. Бир сўз билан айтганда, бошланғич партия ташкилоти партиянинг асосий негизи ва кўзгуси, уни чин маънода ҳаракатга келтирувчи кучига айланган.

Муҳаммадхон ОБИДОВ,
ЎЗбекистон овози» мухбири.

●●● Электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, дастурий ғояларни тарғиб этиш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаларидан партия аъзолари ҳамда электорат вакилларини хабардор қилишда сиёсий кучнинг асосий бўғини — бошланғич партия ташкилотининг ўрни беқиёсдир.

Буни Фаргона вилоятидаги ЎЗХДП бошланғич ташкилотлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. 41 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган 869 та БПТ партиянинг таянчига айланган. Тош-

лоқ тумани тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти ибратли ишларни амалга оширмоқда. Партиямиз фаоли Собиржон Каримов 239 нафар партия аъзоси бўлган ушбу БПТга



ЎЗБЕКИСТОННИНГ 17 Ёшли ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ КИЧИК МУНДИАЛДА ҲАМ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТДИ

Дунё спортида футбол каби кенг тарқалган, футбол сингари ишқибозлари кўп оммавий спорт тури бўлмаса керак. Ер юзидagi футбол уйналадиган ҳар қандай мамлакатда жаҳон чемпионатида бориш орзуси бўлади. Эътибор қилинг, гап чемпионлик ҳақида эмас, балки иштирок этиш тўғрисида бораёпти. Ўзбекистонимизнинг эндигона 17 ёшга тўлган болалари, мустақиллик фарзандлари мана шу масъулиятли, машаққатли, шарафли вазифани бажаришди. Удаллашди. Улар Осиёни забт этиб, жаҳон чемпионати майдонларида ҳам мардларча курашдилар. Нимчорак финалгача етиб боришди. Халқимизга олам-олам завқ, қувонч улаштирди. Миллионлаб тенгдошларига ўрнатилди. Ватан, халқ, Президент ишончини оқлашди. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

FIFA.com:

Ўзбекистон мусобақадаги тактик жихатдан энг кучли жамоалардан бири бўлди. Ҳар бир ўйинчи ўзига юклатилган вазифани яхши бажарди. Ўзбеклар ҳимояда сабр-бардош билан ўйнашди, ҳужумда эса қатъиятли эканликларини намойиш қилишди. Уларнинг Панамага қарши ўйини, Марокка билан баҳси буни тасдиқлайди. Ўзбекистон терма жамоаси дарвозабон Сарвар Каримов 208 дақиқа давомида ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб турди. Хорватияга қарши ўйинда ҳам Ўзбекистон учрашув сўнггида гол киритиб, рақибни устидан иродали ғалаба қозонди.

— 65 дақиқа мобайнида бир киши кам бўлиб ўйнаш жуда оғир, — деди

Дилшод Нуралиев Ўзбекистон — Гондурас учрашувидан кейинги матбуот анжуманида. — Ҳуруқ босқичидаги 3 та ўйинда футболчиларимиз атиги иккита сарик карточка олишган эди. Бугунги ўйинда эса жами 5 та. Бу жуда кўп. Менимча, бундай ёш тоифасидаги футболчиларга дарров сарик карточка кўрсатмасдан, тушунтириш ишлари олиб боришга яхши бўлар эди. Ўйин тактикаси учрашув бошидан оқибатга кетди. Илк ўйинчи алмаштиришмиш режа бўйича ҳужумни кучайтириш учун қилиниши керак эди. Биринчи таймда дарвоза дахлсизлигини сақлаган ҳолда кейинчалик ҳужумни кучайтирмоқчи эдик. Афсуски, биз ўйлагандек бўлмади...

Жаҳон чемпионати давомида футболчиларимиз муҳлиси мутахассис-

ларнинг эътирофига сазовор бўлди. Айниқса, таянч ярим ҳимоячиси Жамшид Болтабоев ўзининг ишончли ўйинлари билан кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Майдонни яхши кўрадиган бу ярим ҳимоячи рақиб ҳужумларини бузиб, жамоаси ҳужумини ташкил қилишда фаол ҳаракат қилди. Нимчорак финал баҳсида унинг майдонда йўқлиги билинди. ФИФА расмий сайти вакиллари Жамшиддан интервью олишди.

— Жаҳон чемпионатида гол урдигиз. Сиз киритган гол жамоангизга ғалаба келтирди.

— Жаҳон чемпионатида гол уришни ҳар бир футболчи орзу қилади. Киритган голдан кўра кўпроқ терма жамоамиз ғалаба қозонганидан хурсандман. Иккита сарик карточка олиб, навбатдаги учрашувни ўтказиб юборганим учун ишқибозлардан, мураббийларим ва жамоадорларимдан уэр сўрайман.

— Нега айнан футболни танлагансиз?

— Оиламизда дастлаб футболга Музаффар акам қатнаша бошлаган. Мен унга эргашганман. Кейинчалик акам футболдан кетди. Мен эса ҳамон тўп тепаяпман. Футболга қизиқтиргани учун акамдан бир умр миннатдорман.

— Ҳар бир футболчининг ўз олдига қўйган мақсади, орзулари

бор. Шулар ҳақида гапириб берсангиз...

— «Пахтакор» сафида Осиё микросида барча совринларни қўлга кириштириш истаганиман. Энг катта орзуим эса — миллий терма жамоамиз таркибиди ҳам жаҳон чемпионатида қатнашиш...

Ушбу жаҳон чемпионатини Европанинг кучли клублари селекционер мураббийлари кузатиб боришди. Интернет сайтларида тарқатилган маълумотларга қараганда, улар бизнинг терма жамоамиз иштирокидаги ўйинларни диққат билан кузатишган ва футболчиларимизнинг икки нафари билан жиддий қизиқишган. Ҳозирча хорижликлар айнан кимни кузатиётганини айтилмаган.

Нодирбек ТҮЙЧИЕВ, «Андижон» ишқибозлар клуби раиси: — Авваламбор, жаҳон чемпионатида қатнашишнинг ўзи — катта гап. Футболчиларимиз гуруҳ босқичини муваффақиятли ўтказишди. Гондурас билан ўйинда ҳакам футболчи-мизни четлатганида, ютишимиз аниқ эди. Бир ўйинчи кам бўлганда сўнг майдонда бўш зоналар пайдо бўлди ва рақиб бундан фойдаланди.

Дилшод Нуралиев тимсолида яна бир кучли, фидойи мураббий борлигига амин бўлди. Футболчиларда жисмоний, руҳий ва тактик тайёргарлик жойида экани кўриниб турди. Йигитларнинг ҳаммасига тасанно! Чемпионат давомида Жамшид Болтабоев, Акрам Комилов ва дарвозабон Сарвар Каримовларнинг ҳаракати менга маъқул келди. Умуман олганда, бутун жамоа яхши ўйнади. Андижонлик ишқибозлар нодиман ўсмирлар терма жамоаси мураббийи ва футболчиларини жаҳон чемпионатидаги муносиб иштирок билан табриклияман...

Марокка билан ўйин якунланганидан сўнг Дилшод Нуралиев футболчиларини майдон марказига чақирди ва улар билан суҳбат ўтказди. Бу ҳақда берилган саволга Ўзбекистон U17 терма жамоаси бош мураббийи қуйидагича жавоб берди: «Мен ўйин ҳақидаги фикрларимни айтиш мақсадида майдоннинг ўзидек футболчиларни ёнимга чақирдим. Уларга бор кучини бериб ўйнагани учун раҳмат айтдим. Доимо болалар яхши ўйин кўрсатса, миннатдорчилик билдириш орқали кейинги ўйинларга руҳлантиришга ҳаракат қиламан».

Бош мураббий интервьюларидан бирида таъкидлаганидек, ўсмирлар терма жамоасининг асосий кучи — аҳилликда. Нафақат майдонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўзаро бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш яхши шакланганини кўриш мумкин.

Бахтиёр НУРАЛИЕВ, «Пахтакор» академиясининг болалар жамоаси мураббийи:

— Дилшод Нуралиев — менинг укам. Шу сабабли ҳам терма жамоанинг ўйинини икки ҳисса қизиқш билан томоша қилдим. Футболчилар жаҳон чемпионатида узоқ вақт тайёргарлик кўришди. Осиё чемпионатидан кейин кўпга ўйинчилар жароҳатланди. Натижада тўлиқ таркиб билан шуғулланиш имкони деярли бўлмади. Шунда ҳам ўсмирларимиз чиройли ўйин кўрсатди.

Ёш футболчиларга болалик пай-тимни гапириб берсам, ишонишмайди. Илгари тўп етишмасди, майдонларнинг аҳоли жуда ёмон эди. Ҳозир яратилган шароитларга бир қаранг. Ҳаво иссиқ бўлса, майдонда, совуқ тушса, спорт залида шуғулланишди. Спортга, айниқса, болалар спортга катта эътибор берилаяпти. Айнан шу сабабли ҳам спортчиларимиз халқроқ майдонларда ўзларини кўрсатишмоқда. Буларнинг ҳаммаси Президентимизнинг ғамхўрлиги натижасидир. Мана, ўсмирлар терма жамоамиз дастлаб Осиё чемпиони бўлди, жаҳон чемпионатида нимчорак финал-

Ўзбекистонимизнинг

эндигона 17 ёшга тўлган болалари, мустақиллик фарзандлари мана шу масъулиятли, машаққатли, шарафли вазифани бажаришди. Удаллашди. Улар Осиёни забт этиб, жаҳон чемпионати майдонларида ҳам мардларча курашдилар.

га қадар етиб борди. Бу йигитларнинг келажаги порлоқ. Фақат гайрат билан, ишонч билан янада каттироқ шуғулланишлари керак...

Гарчи, сўнгги учрашув қайдонда бизнинг терма жамоамизга мағлубият ёзилган бўлса-да, биз уларни ғолиб деб ҳисоблаймиз. 2018 йилда бўладиган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида айнан шу йигитларга умид билан қараймиз.

Президентимиз айтганидек: буларнинг толеи, бахту иқболи ҳали олдинда. ОНА Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюқдир.

Темур АбЗАМ,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият таянчи

«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Оталар ўз фарзандларини воёга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби

Оила жамиятимиз таянчи, никоҳ эса унинг пойдевори саналади. Фарзанднинг келажагида нечоғли қимматли инсон бўлиб воёга етиши, ҳеч шубҳасиз, оилада берилган тарбияга боғлиқ. Шу боис халқимизда оила қадимдан муқаддас даргоҳ сифатида қаралди ва эъзозланади. Фарзанд тарбиясига маъсуллик, ота-онага ғамхўрлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган миллий қадриятлардан ҳисобланади.

Дарвоқе, Бош қомусимизда «Оила» деб номланган алоҳида боб мавжуд. Унда оиланинг муҳим ижтимоий институт сифатида давлат муҳофазасига олинганлигини ўзиёқ оила ва унинг мустаҳкамлиги жамиятимиз учун нечоғли аҳамиятли эканлиги исботи саналади. Асосий қонунда белгиланган оилага муносабат «Оила кодекси», «Фуқаролик кодекси», Президентимизнинг «Она ва бола са-

ломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида»-ги қарорида тўла-тўқис ўз аксини топди, десак хато қилмаймиз.

Ушбу ҳужжатларнинг ижроси баркамол авлоднинг тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофазалаш, бир сўз билан айтганда, оилани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Наргиза САЛИЕВА,
Поп тумани
1-сон ФХДБ бўлими mudiri.

Ҳисоботлар қисқарди, ишлаб чиқариш ҳажми ортди

Соҳа фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рўқсат берилш тартиб-таомилларини тўддан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ҳам ушбу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармонга қўра, 2012 йилнинг 1 августидан рўқсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди. Шу билан бирга ҳисоботларни топшириш даврийлиги, унинг муҳдатлари узайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 август куниндаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўқсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»-ги қарорига асосан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўқсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатлар сони яна қисқартирилди. Ҳусусан, давлат солиқ органлари томонидан рўйхатга олинган, бериладиган рўқсатномалар сони атиги 3 тани ташкил қилади. У ҳам бўлса, фискал хотирли назорат-касса машинасини рўйхатга олиш карточкаси, алкоголь маҳсулотлари қўйиш линияларини ягона реестрга рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва ҳўжалик субъект-

ларнинг бюджет олдиди қарзи йўқлиги ҳақидаги хулосадан иборат. Юқоридаги ҳужжатлар ҳўжалик юритуви субъектлар учун вақтинг тежаллишга, мансабдор шахслар масъулиятининг ошишига, маҳсулотлар ҳажмининг орттишига ва ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Ҳусусан, жорий йилнинг 9 ойида Сурхондарё вилоятида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошди. Ялпи ички маҳсулотнинг 77,9 фоизи ки-чик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Унинг улуши саноатда 27,6, қишлоқ ҳўжалигиди 99,2, қишлоқда 79,0 фоизи ташкил қилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан юқорида қайд этилган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақса-дида манфаатдор ташкилот ва идора-лар билан ҳамкорликда мунтазам ра-вишда тушунтириш, тарғибот тадбир-лари ўтказилиб келинмоқда. Таъкидлаш кераки, уларнинг ижроси аҳоли банд-лиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Комил ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
хўзуридаги Республика
ахборот-маслаҳат маркази
Сурхондарё вилоят
бўлими башлими.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoa-hilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046

10425
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23,40
Topshirilgan vaqt — 01.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5